
Президент Фармониға асосан суд тизимиға киритилаётган ўзгаришлар

2022-2026 йилларға мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифаларға мувофиқ, шунингдек, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, судлар фаолияти самарадорлиги ва одил судлов сифатини ошириш мақсадида 2023 йил 16 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Одил судловға эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишға доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.

Фармонда суд тизимида бир қанча ўзгартиришлар киритиш назарда тутилган.

Хусусан, туманлараро, туман, шаҳар судлари томонидан биринчи инстанцияда кўрилган ишларни вилоят ва унга тенглаштирилган судларда апелляция ёки кассация тартибида қайта кўриб чиқиш;

вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан апелляция ёки кассация тартибида кўрилган ишларни мазкур судларда тафтиш тартибида қайта кўриб чиқиш;

вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан тафтиш тартибида кўрилган ишларни Олий суднинг судлов ҳайъатларида тафтиш тартибида қайта кўриб чиқиш;

юқори инстанция судлари томонидан ишни янгидан кўриш учун қуйи судларға юбориш тартибини бекор қилиш ва уларға иш бўйича якуний қарор қабул қилиш масъулиятини юклаш кабилар шулар жумласидандир.

Фармон билан Олий судға уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритиш вазифаси юклатилди.

Шунингдек, мазкур Фармон билан 2023 — 2026 йилларға мўлжалланган суд тизимини сифат жиҳатидан янги босқичға олиб чиқишнинг қисқа муддатли стратегияси тасдиқланди.

М.Мирмақсудов
Ўзбекистон туманлараро иқтисодий суди раиси

2023-01-25 16:15:40